



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ГЕРМАНИЯГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг таклифига биноан 28-30 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Берлин шаҳрида бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Федерал Канцлер Олаф Шольц ва Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер билан икки томонлама музокаралар ўтказилиши, шунингдек, Марказий Осиё ва Германия давлат раҳбарларининг учрашувлари режалаштирилган.

Мамлакатимиз етакчиси Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси томонидан ташкил этиладиган ишбилармонлик тадбирларида ҳам иштирок этиши кўзда тутилган.

Кун тартибидан Ўзбекистон Президентининг жорий йил май ойидаги Германияга расмий

ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш, Германиянинг етакчи компания ва банклари билан инвестициявий, инновациявий ва технологик ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

ЎЗА

БИЗ ВА ДУНЁ

Ўзбекистон – Германия: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 28-30 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ГЕРМАНИЯДА БЎЛАДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон – Германия икки томонлама ҳамкорлиги янги суръатга эга бўлди. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги қизгин сиёсий мулоқотлар шундан далolat беради. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 20-22 январь кунлари Германияга биринчи расмий ташрифи, шунингдек, Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг ўша йили 27-29 май кунлари Ўзбекистонга жавоб ташрифи икки томонлама ҳамкорлик ривожига кучли туртки берди.

Ушбу олий даражадаги учрашувлар давомида эришилган келишувлар, шунингдек, глобал ва минтақавий тузилмалар доираларидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари 2021 йил 12 март кунини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия канцлери Ангела Меркелнинг онлайн саммитида ҳам муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

КУЧЛИ ВАТАН ҲИССИ

Замонамиз жуда мураккаб, қизик, таҳликали... Эртага нима бўлишини баъзан тасаввур этиш қийин. Дунёда гоҳ унда, гоҳ бунда ҳар хил нохуш воқеалар юз бериб туради, гоҳ зилзила, гоҳ уруш, гоҳ ёнғин... Уларни қандай шарҳлашни ҳам билмайсан киши. Лекин инсон умид билан яшайди.



Шундай паллаларда ажойиб воқеалар содир бўлади, кўнгилдаги умидга умид, кучга куч қўшади, шижоат беради. БМТ Бош Ассамблеясининг яқинда Нью-Йоркда бўлиб ўтган, бутун жаҳон аҳлини ўзига қаратган 78-сессияси ана шундай воқеалардан бири бўлди. Биз учун бу воқеанинг аҳамиятли жойи — унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва ёрқин нутқ сўзлади.

Аввало, давлатимиз раҳбарини олам минбаридан кўриб Ўзбекистоннинг оддий бир фуқароси сифатида чексиз гурурандим. Боз устига, нутқ яна она тилимиз — ўзбек тилида ирод этилди!

Бошиданок айтиб қўя қолай: Шавкат Мирзиёевнинг бу амалий ташрифини АҚШ маъмурияти тарихий деб атади. Турли компания ва идоралар билан ўзаро шартномалар тузилди, битимлар имзоланди.

Нутқнинг нутқдан фарқи бор. Бу нутқ шунчаки нутқлардан эмас. Унда фақат Ўзбекистон ташвиш-муаммолари айтилгани йўқ. Шуниси аҳамиятлики, давлатимиз раҳбари жаҳон афкор оммасини ташвишга солиб турган, бартараф этиш йўлини кидираётган, бутун дунёга тегишли муаммолар ҳақида сўз юритди, сўз юритдигина эмас, уларни қандай ҳал қилиш борасида ҳам жўяли ташаббус ва таклифларни илгари сурди. Эртага эмас, балки бугун ечимини кутаётган масалаларни жаҳон зақолари ёдига солди, хушёрликка чақирди. Ҳа, нутқда энг долзарб глобал ва минтақавий

масалалар устида сўз кетди. Нутқда ҳамжихатлик ва амалий ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан юқори қўйган ҳолда мамлакатларни жипслаштириш зарурлиги туйғуси уфуриб турди. Бу бугунги олачипор замонда жуда муҳим ёндашишдир. Янги Ўзбекистон олдига иқтисодиётни либераллаштириш йўлида турган яна бир устувор вазифа — яқин орада Жаҳон савдо ташкилотига тулақонли аъзо бўлиш, 2030 йилгача камбағалликни 7 фоизга тушириш режа қилинган.

Давоми 3-бетда

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ неча жавотирми?

Унинг олдини олиш ва муаммони бартараф қилиш мумкин

Дунё бўйича 2 миллиарддан ортиқ одам йод танқислигига учраган. Улар орасида 740 миллион кишида эндемик бўқоқ аниқланган. 43 миллион киши йод танқислиги сабабли ақлий заифликдан, 6 миллиондан ортиқ киши эса кретинизмдан азият чекмоқда. Йод танқислиги, айниқса, Жанубий Африка ва Жануби-шарқий Осиёда кенг тарқалган.

Йоднинг етарли даражада истеъмол қилинмаслиги инсон саломатлигига жиддий ҳавф туғдириши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Хусусан, йод танқислиги кучли бўлган минтақамизда вазият қонқарли деб бўлмайди. Ваҳоланки, йод жуда муҳим микроэлемент бўлиб, қалқонсимон без гормонлари синтезини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, организм фаолиятидаги

аксарият жараёнга таъсир қилади. Жумладан, ўсиш, ривожланиш, ички аъзо ва тизимлар фаолияти, организмнинг калорияни қабул қилиш (метаболизм) тезлиги, ақл ва репродуктив функцияни яхшилайди. Тана хароратини меъёрда сақлаш, кальций ва фосфор алмашинуви, суяк ва тишлар мустаҳкамлигини таъминлашга ёрдам беради. Энг аввало,



организмдаги қалқонсимон без меъёрда ишлаши учун керакли моддadir. Қалқонсимон без эса, ўз навбатида, бутун организм тўғри ишлашини

таъминлаб, вужуддаги тизимларни бошқариб турувчи аъзо ҳисобланади.

Давоми 5-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

БУХОРО БРЕНДИГА АЙЛАНАЁТГАН СОҲА

Ҳаётимизга рақамли технологиялар кириб келиши туфайли янги кўринишдаги иқтисодий муҳит, яъни рақамли иқтисодиёт вужудга келди.

Президентимизнинг 2023 йил 24 майдаги "Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Бухоро вилоятида кенг қамровли

ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ярим йилида вилоятда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хизматлар 122,1 фоизни ташкил этди. Компьютер дастурлаш хизматлари ҳажми 14,7 миллиард сўмга етиб, ўсиш 103,1 фоизга етди.

Давоми 5-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

МАҲАЛЛАДА КИМ НИМА БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ ЯНАДА АНИҚЛАШДИ

Маҳалла — дунёда муқобили йўқ ўзини ўзи бошқариш маскани. Унинг қувончи, ташвиши, ютуғиyo камчилиги ана шу ерда яшаётган одамларники. Шу жиҳатдан олганда, Президентимиз раислигида маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар барчамизга тааллуқли, десак муболага эмас. Чунки ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз.

Азандан маҳаллага кадрятлар, анъаналар, тарбия маскани сифатида қаралади ва унинг ривожини, ободлигига катта эътибор қаратилади. Ана шу қарашнинг амалий натижалари кейинги йилларда янада яққол кўзга ташланмоқда. Бунда тизимни янада ривожлантириш, маҳаллаларни фуқароларга чинакам кўмакчи тузилма сифатида шакллантиришнинг қонунчилик базаси такомиллаштирилётгани

қўл келмоқда. Айниқса, давлат органларининг натижадорлик даражаси ва фаолияти маҳаллада акс этсагина ижобий деб топилишини аниқлаштириш "маҳаллабай" ишлаш усули кундалик эҳтиёжга айланди. Натижада турли вазирлик ва идоралар билан маҳаллалар, у ерда яшаётган одамлар билан ўзаро мулоқот ўрнатилди.

Давоми 2-бетда

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ТЕХНОЛОГИК ТУРТКИ Ушбу тамойил асосида янги маҳсулот ёки хизмат тури яратилади

Дунё бўйича табиий ресурслар тақчиллиги кузатилаётган бугунги даврда янгича ёндашув, инновацион лойиҳалар иқтисодий тараққиётнинг муҳим драйверига айланмоқда. Жанубий Корея, Сингапур, Япония каби давлатлар мисолида кўриш мумкинки, инновация ва ихтиролар табиий ресурси чекланган ёхуд умуман мавжуд бўлмаган давлатларда ҳам йиллар давомида даромад келтирадиган, қиймати камаймайдиган манба саналади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тўғрисида"ги фармони ва "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори барча йўналишлардаги ишларни бутунлай янги бошқича олиб чиқиши билан катта аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжатда ёш тадқиқотчилар улушини ошириш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш, 40 ёшгача бўлган тадқиқотчилар улушини камида 60 фоизга етказиш, илмий ташкилот ходимларининг иш ҳақини ўртача 2 баробар ошириш асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, илмий, амалий, инновацион ва стартап лойиҳаларини молиялаштириш бўйича йиллик танловлар сонини 20 тага етказиш ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида кўрсатилган.

Бу бежиз эмас. Чунки юртимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга мамлакат. Стратегияда белгиланган мақсадлар рақобатбардор, экспортбop ҳамда импорт ўрнини босувчи, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, саноатнинг барқарор ва мутаносиб равишда ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш асосида унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришни кўзда тутади.

Ҳар қандай стартап гоёси аниқликка — янги маҳсулот, янги технологиялар ва илгари амалиётга табиқ этилмаган фаолиятга асосланади. Узғаришларга тез мослашадиган, илғор технологияларга асосланган ишбилармонлик муҳитида ривожланадиган стартап экотизимининг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти катта.

Давоми 4-бетда



МУНОСАБАТ

КУЧЛИ ВАТАН ХИССИ



Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон етакчиси БМТ Бош котиби томонидан илгари сурилган "Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий Ҳимоя глобал акселератори" борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлашни билдириди. Бу билан чекланмасдан, юқоридagi ташаббус доирасида тажриба алмашиш учун 2024 йилда ташкилот шафелигида "Ижтимоий Ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл" жаҳон конференциясини уюштириб, Ўзбекистонда ўтказишни тақдир этди.

Айни пайтда "БМТ — Хотин-қизлар тузилмаси" билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини билдириди. Биргаликдаги ташаббус сифатида аёлларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш йўллари муҳокама қилиш ва тажриба орттириш учун келгуси йили Ўзбекистонда Осие хотин-қизлари форумини ўтказишни тақдир этди.

Ўзбекистон ўз тамойилларига содиқ қолган ҳолда бундан бундан ҳам Марказий Осиеда яхши қўшничилик, барқарорлик, тинчлик, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш муҳитини мустақамлаш йўлидан қатъий бориши таъкидланди. Ўзбеклар "Қўшнинг тинч, сен тинч" деган мақолини жуда яхши кўради. Яъни узидан ҳам кўра, кўпроқ қўшинини ўйлайдиган халқ. Агар икки одам узоқ айрилдикдан сўнг қўришиб қолса: "Тинчмисизлар? Эл-юрт, қўни-қўшни омонми?" деб сўрайди.

Президентимиз мамнуният билан мамлакат ва унинг барча қўшилларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида давлат чегаралари, транспорт коридорлари ва сувдан фойдаланиш бўйича муаммоларни бартараф этишга муваффақ бўлиганини алоҳида қайд этди.

Кейинги етти йил ичида "минтақа" сўзи алоҳида маъно касб эта бошлади. Бу сўз ҳозир бир кичик, пучмоқ, овлоқ, парча жой эмас, бир неча давлатни ўз ичига олган кенг мақолини аниқлади. Марказий Осие минтақаси шу тарзда юзага келди. Бугунги кунда минтақа давлатлари ўртасида ўзаро савдо икки ярим баробардан зиёд, қўшма корхоналар сони эса беш қарра ўсди. Минтақа иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни

боғлайдиган транспорт коммуникация кўпригига айланиб, унга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Келажаги, Худо хоҳласа, порлоқ бўлишига шубҳа йўқ. Нутқда ҳаётимизга, жумлаи жаҳонга тегишли муаммолар ҳақида аниқ ва лўнда ҳулосалар берилганини, уларни англаб етиш қийинчилик туғдирмади. Чунончи, Ўзбекистон томонидан Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида қўрилатган чоралар, минтақадаги иқлим ўзгаришининг салбий таъсири ва сув билан таъминланганлик даражаси камайиш тенденциялари тўғрисидаги маълумотлар айтиб ўтилди. Бу ҳам муҳим ва долзарб муаммолардан дур.

Яқинда бир гуруҳ ёзувчилар ва зиёлилар Мўйноққа бориб келдик. "Янги Мўйноқ" китоби тақдироти бўлди.

Янги Мўйноқ қурилди, денгиз қуриган тубининг 1,7 миллион гектарыга саксовул, қўроқчиликка чидамли ўсимликлар экилди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда. Қўшлар учиб келмоқда, ҳаёт изига тушмоқда. Президентимиз бир гал содда, халқона қилиб: "Агар ўн сўм топсам, опти сўмини Қорақалпоғистонга сарф қиламан!" деди. Бу — ҳақ гап.

Вазиятдан келиб чиққан ҳолда Шавкат Мирзиёев БМТ Бош котибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилиши, Марказий Осие суви тежайидиган технологиялар платформаси яратилиши ва минтақада қабул қилинган Яшил тараққиёт дастури доирасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилишини қўллаб-қувватлаб гапирди.

"Марказий Осие иқлим мулоқоти" жорий этилиши дейсими ёки БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осие глобал иқлим таҳдидлари қаршида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик" резолюциясини қабул қилиш ташаббусини айтасими, Президентимиз келгуси йил Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро иқлим форумида бари муҳокама қилинади, деб умид билдириди.

Давлатимиз раҳбарининг жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамкорликни кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш тақдироти айна мўддао сифатида қабул қилинди.

Буюк олимларимиз бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йилда Ўзбекистонда "Ислом — тинчлик ва эзулқи дини" мавзусида конференция ўтказиш, афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни суусайтирмаслик, шу маънода, Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқиш, пировардида, дунё ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлида бирлаштириш ва бу борада БМТ раҳнамоларида Афғонистон бўйича ҳамкорликда ишлаб чиқилган, вазиятга мослашувчан ва конструктив позицияни белгилаш ва бошқа муаммолар ҳақида сўз юритилди.

"Бизга тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорлик жараёнларида иштирок этадиган, қўшилари ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шериклик учун очик



ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДА ДИНЛАРА О БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЮНЕСКО ШАФЕЛИГИДА ДИНЛАРА О МУЛОҚОТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ХАЛҚАРО МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАҚДИРИ АЙНИ МУДДАО СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Афғонистон керак! Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу даъвати юксак минбардан қатъий жаранглади.

Мени мамнун қилган яна бир ҳодиса: Ўзбекистон Президентининг АҚШда яшаётган ва ишлайётган бир гуруҳ ватандошлар ҳамда ушбу мамлакатнинг етакчи олий таълим даргоҳларида тахсил олаётган "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиатлари билан учрашуви бўлди.

Учрашувни ойнаи жаҳонда томоша қилар эканман, юртдошларимни кўриб ҳаёжонга тушдим. Ўзимнинг қизим ҳам Америкада яшайди. Шавкат Мирзиёев ватандошларнинг ҳар бири билан ортика мулозаматларисиз, инсоний тарзда, ниҳоятда савмиий қўл бериб қўришиб чиқди. Бу ҳақда иштироқчилар ижтимоий тармоқларда таассуротларини ифода этди, ўз саҳифаларида ёзди. Назаримда, гўё ота соғиниб, узоқ мамлакатда ўқийётган, яшаётган фарзандларини кўришга, улардан ҳол-аҳвол сўрашга келган эди. Худди шундай...

Очик ва жонли мулоқот шаклида ўтган учрашува Президентимиз ватандошларга Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида сўзлаб берди, мамлакат модернизациясига кўмаклашишда ватандошларда улкан салоҳият борлигига эътибор қаратди. Шу аснода ватандошлар ва уларни биравштирувчи ташкилотлар Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади. Барча жуда қизиқиб тинглаб ўтирди.

Давлатимиз раҳбари ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакат жамоат бирлашмалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Хорижда ўзбек тили курсларини ташкил этишга кенг кўмаклашиш, ватандошларнинг мулақотлиги ва конститутив позицияни зиёрат қилиши учун махсус туризм хизматлари турларини ишлаб чиқиш режалаштирилганини айтиб ўтди.

"Биз таълим, тиббиёт, иқтисодиётда олиб бораётган янгиланишлар натижасини ҳар бир ватандошимиз ўз ҳаётида ҳис қилиши керак — деди

Президент. — Сизлардек хорижда ўқиган, ийрик компанияларда ишлаб, тажриба орттирган оқори малака мухтассислар ҳам юртимизга қайтиб келиши ва бутун салоҳияти билан Янги Ўзбекистонни барпо этишда иштирок эта олиши учун барча шaroитни яратишимиз керак. Бугун шу ердаги ҳар бир ўзбекистонликда кучли Ватан ҳисси ва унинг ривожига ҳисса қўиши иштиёқини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Сизларни Ўзбекистонда қутиб қоламиз!"

Ватандошлар чехрасига қарадим. Чехралар очик, уларда Президент йўқлаганидан, ҳол сўраб келганидан мамнуният туйғуси сезилиб турарди.

Катта компанияларда ишлайётган ва нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқийётган ватандошлар ўз фикр ва тақлифларини билдириди.

Учрашувада иқтисодчилар — Ҳарвард университети докторанти Ботир Қобилов ҳамда Висконсин университети катта илмий ходими Беҳзод Ҳошимов янги Ўзбекистон, иқтисод ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этди. Жамият ҳаёти ва иқтисодиётнинг турли соҳалари юзасидан фикрлар алмашилди.

АҚШга амалий ташриф Президентимизнинг узоқни қўлагуви зукко раҳбар, доншиманд сиёсатчи ва катта стратег сифатида жаҳон миқёсида нуфузли халқаро арбоба айланиб бораётганини яна бир бор исбот этди.

Учрашувада иштироқчилардан бири: "Ватанимизга ҳизмат қилиш шараф ва мажбуриятдир", деган жумлани айтди, назаримда, бу сўзлар бутун иштироқчилар фикрини ифода қилди. Давлатимиз раҳбари АҚШдаги юртдошларимиз билан учрашганида ҳар бир ўзбекистонликда кучли Ватан ҳисси борлигини таъкидлади. Биз ҳам Президентимиз БМТ минбаридан нутқ сўзлаганида, АҚШ Президентига Жозеф Байден ва ишбилармон доира вакиллари билан учрашганида айтган фикрларида, ватандошларнинг дил ихроларида кучли Ватан ҳисси тугуриб турганини юракдан сезар эдик.

Ижтимоий барқарорлик ва стратегик таянч ҳозирги ўзига ҳар ва мураккаб даврда ривожланиш учун энг муҳим заруратлардан бирига айланди. Нафақат бир мамлакат, балки минтақа ва халқаро миқёсда ижтимоий барқарорликни таъминлаш долзарб, айна пайтда қийин вазифа бўлиб бормоқда. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги нутқиди дунё жамоатчилиги эътиборини ана шу ҳаётий масаллага қаратди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ

Улуғбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Нутқда илгари сурилган ҳар бир фикр, ҳар бир тақлиф-ташабуус моҳият-эътиборига кўра, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни кенгайтиришга, ўзаро мулоқот асосида муаммоларга янги ечимлар топишга, пировардида, ижтимоий барқарорликка йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятли.

Ўзбекистон етакчиси янги ташаббусларни илгари суриш билан чекланмай, уларни амалга оширишда юртимиз мезбон ва иштироқчи давлат сифатида фаол қатнашишга тайёр эканини ҳам билдириди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон БМТнинг барқарорликка ҳизмат қиладиган барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош котиби томонидан илгари сурилган "Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий Ҳимоя глобал акселератори" ташаббусини қўллагани ҳолда, тажриба алмашиш учун 2024 йили ушбу нуфузли ташкилот шафелигида "Ижтимоий Ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл" бутунжаҳон конференциясини юртимизда ўтказишни тақдир қилди.

Инсон фаровонлигига эришиш аввало, илму маърифат орқали бўлади. Шу маънода, нутқда таъкидланганидек, инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш — Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазифалардан бири.

Давлат ва жамият саъй-ҳаракатларини инсон капиталини ривожлантиришга йўналтириш ижтимоий барқарорлик мустаҳкамлиги, ҳаётий масалаларни ўзи ҳал этишга қодир авлодни тарбиялашнинг муҳим кафолати бўлиб ҳизмат қилади.

Қайд этилганидек, ҳамма учун очик ва сифатли таълим, камбағалликка барҳам бериш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали омилли ҳисобланади. Инсон капиталли ҳақида гап кетар экан, биринчи навбатда, сифатли таълим олсин, касб-хунарга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш мўҳимдир. Мамлакатимиз бў йўналишда натижаларни яхшилаш бўйича катта ўзгаришлар қилляпти, таъбир жоиз бўлса, ўзаро ҳос ўрнат ва ибрат қўрсатмоқда.

Утган олти йилда мактабга таянч бўлиб қамров 21 фоиздан 70 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 38 фоизга етгани Ўзбекистон инсон капиталини ривожлантиришдек эзгу мақсад йўлида қанчалик собит эканини исботлаб бермоқда.

Натижалар бор, уларни янада яхшилаш, ҳар бир инсон шахс сифатида ривожланиши учун йўллар очиб бўйича катта ва стратегик муҳим марралар белгилаб олинган. Хусусан, 2030 йилга қадар ҳар бир боланинг боғчага қатнаши, мактабни битираётган ҳар икки ўқувчининг



бири олийгоҳда ўқиши учун имконият яратиши ҳақида маълум қилинди. Битта мамлакат эмас, бутун минтақа ёшларининг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун биргаликда ҳаракат қилиш, уларнинг ўзаро ҳамкор ва дўст-биродар бўлиб ўлғайиши умумий ижтимоий барқарорлик кафолатини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Нутқда аҳолисининг деярли ярми ёш авлод вакиллари бўлган Марказий Осие учун ёшлар ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи, айниқса, долзарб экани таъкидланди. Бу борада қўшни ва қардош давлатларнинг биргаликдаги иштироқлари бошланди, изчил қадамлар ташланмоқда.

Соҳа бўйича ҳамкорликни қучайтириш мақсадида минтақа давлатлари томонидан Ёшлар сиёсатининг умумий йўналишлари ҳақидаги битим имзолангани бунинг амалий тасдиғидир.

Бу жараёнда БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш, бошқа минтакаларнинг илгор тажриба ва тўқуларини ўрганиш фақат фойда беради. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг БМТ ҳузурида Марказий Осие ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиши, "Марказий Осие ёшларининг кун тартиби — 2030" дастурини ишлаб чиқиш тақдироти минтақани узоқ истиқболлини қўлгагани билан аҳамиятлидир.

Бугун минтақамиз давлатлари етакчилари ташаббусларининг асосида ўзаро мулоқот ва тушунишга таяниб, барқарор ривожланишга эришилмоқда. Шу билан бирга, минтақа ёшлари олдида янги чақирувлар ҳам пайдо бўлаётди. Минтақамиз келажаги, тараққиёт ва барқарорлик даражаси кўп жиҳатдан бугунги ёшлар эҳтиёлларини ўрганиш, мақсад ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳам боғлиқ бўлади.

Ишонимизки, Президентимиз билдириган тақдироти умумий ошмиши Марказий Осиеда инсон капиталли ривожланиб боришида стратегик таянч вазифасини бажаради.



Жамолитдин ҚАРИМОВ, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотини, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Жаҳон Банки ва Ислам тараққиёт банки каби қўллаб нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар тарибида муҳим ташаббуслар билан фаол иштирок этмоқда.

Президентимиз жорий йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлаб, халқаро ҳамжамиятга глобал ҳавфсиз-

ДУНЁ БИРДИР муаммо ва ечимлар умумий

Ўзбекистон инсон кадрини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли демократик ислохотларни амалга ошириш, очик ва конструктив ташқи сиёсат асосида жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамда дўстона муносабатларни ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришмоқда. Бунинг натижасида мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў ва нуфузи тобора юксалиб бораётди.

лиқ ҳамда унга ҳавф солаётган таҳдидлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини янада тақомиллаштириш, Марказий Осие минтақасида барқарорлик, ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, гендер тенглиги, иқлим ўзгаришлари, экстремизм ва терроризм иллатлари юзасидан ўз нуктаи назарини билдириди ҳамда қатор муҳим тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқиди сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида эришилган эътиборга лойиқ натижаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Яқин йилларга ҳақиқатчи ва шифокорлар, мактаб ўқувчилари ҳамда талабаларнинг пахта даласидаги мажбурий меҳнатига оддий ҳолат сифатида қараб келинади. Натижада Ўзбекистон пахтаси "қора рўйхат" ларга кириштирилиб, бойкотлар эълон қилинган эди. Бирок сўнгги йилларда катта сиёсий ирода билан мамлакатда мажбурий меҳнат-

ни чеклаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Жумладан, АҚШнинг нуфузли нашри — "Forbes" журнали далаларда мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилгани, теримчиларга тўланадиган ҳақ оширилгани, пахтага давлат буюртмаси йўқ қилинганини улкан ютуқлар сифатида қайд этди.

Буюк Британиянинг "The Economist" журнали эса 2019 йилда Ўзбекистонни ийл мамлакатиди, дея эълон қилди. Албатта, бу эътирофлар бежиз эмас, уларнинг неғизиди ҳукумат томонидан инсон кадрини юксалтириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш йўлида амалга оширилган улкан саъй-ҳаракатлар ётади. Энг муҳими, Конституциямизда мажбурий меҳнат тақиқланиши кафолатлаб қўйилди, бунинг учун жинойи жавобгарлик белгиланди.

ШУНИ ТЎЛИК ИШОНЧ БИЛАН АЙТИШ МУМКИНКИ, ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОХОТЛАРИ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҲАМДА УНИНГ ИЖТИМОЙ КЕНГАЙТИШИГА, МАМЛАКАТГА КЕНГ ИНВЕСТИРЛАБ ОҚИМИ КИРИБ ҚИЛИШИГА, ПИРОВАРДИДА, ЮРТИМИЗНИНГ НАФАҚАТ Марказий Осие минтақаси, балки глобал иқтисодиётнинг интеграциялашган марказларидан бирига айланishiга замин яратлади.

Экологик муаммолар инсоният тараққиёти ва фаровонлигига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий таҳдид бўлиб турган бугунги шaroитда бундай ташаббусларни рўёбга чиқариш глобал миқёсда иқтисодий-иҷтимоий инқирозларнинг олдини олишга, атроф-муҳит ҳамда биохимла-хилликни сақлаб қолишга ҳизмат қилади, энг муҳими, келажакда инсониятнинг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқидида экстремизм ва терроризм таҳдидлариди олдани олиш, мутаассиб гоълар таъсирига тушиб қолган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш ва ижтимоий реабилитация қилиш, низолни худудларда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларини ортага қайтариш юзасидан амалга оширилатган чора-тадбирлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, экстремизм ва терроризм ХХI асрда инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик ва исло-

мофобия каби ҳолатлар ҳам ушбу муаммонини амалиётга татбиқ этиш, иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш юзасидан "Марказий Осие иқлим мулоқоти" ни жорий этиш, БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осие глобал иқлим таҳдидлари қарши-сида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик" резолюциясини қабул қилиш ҳамда Самарқанд шаҳрида халқаро иқлим форумини ўтказиш ташаббусларини илгари сурди.

Экологик муаммолар инсоният тараққиёти ва фаровонлигига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий таҳдид бўлиб турган бугунги шaroитда бундай ташаббусларни рўёбга чиқариш глобал миқёсда иқтисодий-иҷтимоий инқирозларнинг олдини олишга, атроф-муҳит ҳамда биохимла-хилликни сақлаб қолишга ҳизмат қилади, энг муҳими, келажакда инсониятнинг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқидида экстремизм ва терроризм таҳдидлариди олдани олиш, мутаассиб гоълар таъсирига тушиб қолган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш ва ижтимоий реабилитация қилиш, низолни худудларда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларини ортага қайтариш юзасидан амалга оширилатган чора-тадбирлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, экстремизм ва терроризм ХХI асрда инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик ва исло-

мофобия каби ҳолатлар ҳам ушбу муаммонини амалиётга татбиқ этиш, иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш юзасидан "Марказий Осие иқлим мулоқоти" ни жорий этиш, БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осие глобал иқлим таҳдидлари қарши-сида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик" резолюциясини қабул қилиш ҳамда Самарқанд шаҳрида халқаро иқлим форумини ўтказиш ташаббусларини илгари сурди.

Экологик муаммолар инсоният тараққиёти ва фаровонлигига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий таҳдид бўлиб турган бугунги шaroитда бундай ташаббусларни рўёбга чиқариш глобал миқёсда иқтисодий-иҷтимоий инқирозларнинг олдини олишга, атроф-муҳит ҳамда биохимла-хилликни сақлаб қолишга ҳизмат қилади, энг муҳими, келажакда инсониятнинг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқидида экстремизм ва терроризм таҳдидлариди олдани олиш, мутаассиб гоълар таъсирига тушиб қолган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш ва ижтимоий реабилитация қилиш, низолни худудларда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларини ортага қайтариш юзасидан амалга оширилатган чора-тадбирлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, экстремизм ва терроризм ХХI асрда инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик ва исло-

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ТЕХНОЛОГИК ТУРТКИ

Ушбу тамойил асосида янги маҳсулот ёки хизмат тури яратилади



Олимжон ТҮЙЧИЕВ,
Инновацион ривожланиш агентлиги директори

Бошланиш 1-бета

Кўплаб ривожланган мамлакатларда стартап экотизим истеъодлар ва инвесторлар учун мукамал учрашув жойига айланган. Юртимизда ҳам илм-фан ва инновацияларга асосланган иқтисодий-технологик тақомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилаётган бир вақтда иқтисодийнинг реал секторларига илм-фан ютуқларини жорий этиш келажакда ишлаб чиқаришдаги муаммоларни инновацион ечимлар орқали бартараф қилишга замин яратяпти. Айнан мана шу устунликлар учун ҳам стартап танловлари сонини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўз ўрнида соҳаларга инновацион янгиликлар таъбиқ этилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнида тақомиллашиб, энергия самарадор технологиялар жорий этилади. Бу эса ресурслар иқтисод қилиниши, тайёр маҳсулот таннархининг камайиши ва албатта, бозорда янги рақобатбардosh маҳсулот пайдо бўлишига, охири-оқибат ҳаёт тарзи, аҳоли фаровонлиги ошишига олиб келади.

Инсонларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилаётган ақлли қурилмалар аллақачон ҳаёт тарзимизнинг ажралмас

бўлагига айланган. Бу борада ҳукуматимиз томонидан ёшларнинг хорихда тажрибасини ошириши учун қилинаётган сазй-ҳаракатлар, ўзлаштирилган амалий кўникмалар ҳам муҳим омил бўлмоқда.

2018-2023 йиллар давомида докторантурага ажратилган квоталар сони 8,5 баробар ошди. Стратегияга кўра, стажёр-тадқиқотчилик институти жорий этилиб, келгуси йилда 1 минг 800 нафар ёш олим қамраб олинади. Англас мумкинки, илм-фан ва технологияларни янада ривожлантиришнинг янги устувор йўналишларини шакллантиришда ёш олимларнинг фаоллигини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда.

Мамлакат ривожини, иқтисодий тараққиёт инсон капитали билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур жараёнда ёш тадқиқотчиларнинг фаол иштироки низоҳатда муҳим. Шунингдек, Глобал инновация индексида қайд этилган паст индикаторлар бўйича Ўзбекистон позициясини яхшилаш бўйича ҳам мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Бунинг натижасида халқаро майдонда мамлакатнинг илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган, бозор талабларига мослашувчан миллий инновацион инфратузилмани шакллантириш ва модернизациялашга эришилади. Мазкур сазй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг глобал Инновацион индексида "Топ-50" талик мамлакатлар рўйхатидаги қиришини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ташкилотлар, вазирилари ва идораларнинг илмий-таҳлилий ва услубий ишларга буюртмаларини олийгоҳлар, илмий ташкилотлар томонидан амалга ошириш бўйича ягона электрон портални ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Яна бир муҳим жиҳати, ўзаро манфаатдорлик, рағбат ва рақобатга асосланган "инновация — капитал — инновация" цикли жараёнини

таъминлаш ҳам белгилаб қўйилганки, бу орқали ишланма эгаси, тадбиркор ва инвесторларнинг мулкка эгаллик ҳуқуқи кафолатланади.

Шунингдек, миллатлараро муносабатлар йўналишида илмий тадқиқот ва инновацион лойиҳалар амалга оширилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим вазифа сифатида белгилангандан кўриш мумкинки, бу жабҳада ҳам илмий изланишларни амалга ошириш жараёни қизгин ту олади. Ушқар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон



Республикаси Президентининг махсус мукофоти таъсис этилиши зиммазимиз янада масъулият юкласа, Ўзбекистоннинг рақамли этноконфессионал атласини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқиш сингари вазифалар олдинда янада катта ишлар турганини аниқлатади.

Мазкур ҳужжатда илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихти-

сослашган янги инновацион ("spin-off") корхоналар сонини 2024 йилда 9 тага етказиш кўзда тутилган бўлиб, бу арзон ва рақобатбардosh инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш имкониятини кенгайтиради.

Ҳар қандай замонавий давлатнинг миллий иқтисодиёти асосини табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда, илмий-техник имкониятлари ҳам ташкил этади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг янги сифат кўрсаткичларига қўйрилиб бораётгани инновацион фаолиятнинг аҳамиятини оширди, илмий ҳажмдор

фери, олим ва муҳандислардан техниканинг бошқа соҳаларида фойдаланишни англадаган "spin-off" технологиялари бирор ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш мақсадида амалиётда самарадорлиги исботланган технологияларни жорий этишни англайди. Содда тушунтирадиган бўлсак, бу ташкилотнинг айрим бўлимларини мураккаб ишбилармонлик субъектига айлантирган ҳолда бизнесни ривожлантириш демакдир. Бундай ёндашув ривожланиш имконияти катта бўлган маҳсулот ёки хизматни яратиш гоёсини амалга ошириб, бозорга олиб чиқишдан аввал нисбатан тор мутахассисликдаги ҳамда мослашувчан корхона керак бўлганда қўлланилади. Бундай ҳолатда "технологик туртки", деб аталадиган феномен иш беради. Маълум технологик тамойил асосида янги маҳсулот ёки хизмат яратилади.

Технологик парklar, технологиялар трансфери марказлари, инновацион кластерлар, венчур фондлар, инновация марказлари, бизнес-инкубаторлар ва акселератор инновацион инфратузилма субъектлари ҳисобланади. Зиммазимизга уларнинг сонини 2024 йилда 55 тага етказиш, натижада олий таълим ташкилотларидаги бундай марказларда стартап лойиҳаларни акселерациядан ўтказиш дастурларини кенг жорий этишдек вазифа юклатилган. Бу каби катта мақсадлар "тармоқ — худуд — илмий-олий таълим ташкилоти" занкирининг ахлит тизими жорий этилиши ҳамда "тубдан янгиловчи" инновациялар яратиш имконини яратяпти.

Иқтисодиёт тармоқлари бошқарувидаги креатив ёндашув туфайли вужудга келган технопарклар ҳудудий, илмий, технологик ва инновацион лойиҳаларни амалиётга таъбиқ этуви базадир. Технологиялар трансфери маркази эса инновацион ишланмаларни тижоратлашти-

ришни таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, янги лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш жараёнида қатор афзалликлар беради. Тегишли ҳудудда инновацияларни яратишда иштирок этуви инновацион фаолият субъектларининг самарали ҳамкорлик қилишини англадаган инновацион кластерлар қувватлардан биргалликда фойдаланиб, билим ва кўникмалар алмашиш орқали мазкур фаолиятни ривожлантиради.

Ўз навбатида, стартапларни ривожлантириш учун маблағ ажратадиган молиявий муассаса — венчур фондлар гоёнинг маҳсулотга айланиши, шу билан бирга, жаҳон бозорларига чиқишига ҳам кўмак беради. Ҳар бир стартапнинг истиқболли ёки аксинчалигини таҳлил қилиш учун инвесторда етарлича билим бўлмаслиги мумкин. Венчур фонд инвестициялардан капитал йиғида ва уни истиқболли лойиҳаларга сарфлайди. Энг асосийси, бу жараёнда лойиҳа муаллифлари қарздор саналмайди. Стратегияда сонини ошириш ва фаолиятини кенгайтириш кўзда тутилаётган инновацион инфратузилма субъектлари соҳа ривожига хизмат қилади.

Бугун ҳар бир соҳага замон руҳи кириб борапти, ҳар жабҳада инсон манфаати устун. "Ўзбекистон — 2030" стратегияси замирида аниқ ва режалли мақсад, қатъият, кучли сиёсий ирода муҳим жиҳатларни кенг жорий этишдек вазифа юклатилган. Бу каби катта мақсадлар "тармоқ — худуд — илмий-олий таълим ташкилоти" занкирининг ахлит тизими жорий этилиши ҳамда "тубдан янгиловчи" инновациялар яратиш имконини яратяпти.

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

УЧ ЙИЛГА КЕЧИҚТИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲА

Тан олиб айтиш керакки, яқин-яқин йилларгача Жиззахнинг олис манзилларини кўя туринг, вилоят марказининг ҳам аҳволи абгор эди. Сув, газ, электр таъминоти, йўллар, умуман, инфратузилма деярли инкироз ёқасига келиб қолганди. Канализация тизими эса бутунлай издан чиққанди. Ёзнинг жазирамаси, қишнинг қаҳратонида ҳам анқийдиган қўланса хид одатий ҳолга айланганди.



— Жиззахда канализация тармоқлари ўтган асрининг 70-йиллари бошларида қурилган. У ҳам кўп қаватли уйларидаги оқова сувни чиқариб ташлаш мақсадида шаҳарнинг марказий кўчаларида бунёд этилган. Шаҳарнинг асосий қисми ҳовлилардан иборат. Маҳаллаларга канализация ўрнатиш катта маблағ талаб қилгани боис, ўша пайтларда бу ҳақда йўлаб ҳам қурилмаган, — дейди Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик назорати кенгаши раиси Ҳамроқул Маматқулов.

Аниқ бир архитектура ечимларига асосланмаган, боз устига, пала-партиш қуриб ташланган пасткам уйлар, табиийки, одамлар кайфиятига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмасди. Сунги йилларда пойтахт ва вилоят марказларидан

тортиб, олис манзилларда ҳам замонавий меъморий ечимларни ўзида ифодалаган баланд-баланд иншоотлар буй кўрсата бошлади.

Бундай ўзгаришлар Жиззахни ҳам четлаб ўтмади. "Инсон қадрини учун" шиори остида Жиззах шаҳрининг замонавий қиёфасини яратиш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш йўлида хайрли ишлар амалга оширилди. Кўп қаватли турар жой массивлари, янги мактаб ва боқчалар, турли корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Табиийки, бу сув, газ, электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг кескин ўсишига олиб келди. Аинқиса, канализация тармоғи шаҳарнинг ҳар томонлама ўсишига жавоб берамай қолди.

Шу боис, биринчи галда канализация тармоғини бунёд этмасдан туриб, юқоридаги мақсадларга эришиб бўлмаслиги ойдинлашди.

2018 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Осиё тараққиёт банки иштирокида "Жиззах шаҳрида канализация тизимини ривожлантириш" лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги қарорини қабул қилинди.

Мазкур йирик лойиҳани рўёбга чиқариш бўйича Осиё тараққиёт банкининг беш йиллик имтиёзли давр ва 25 йил муддатга қайтариш шарти билан 79,5 миллион долларлик кредити ажратилиши ҳамда Ўзбекистон томонининг ҳиссаси 11,719 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлиши белгиланди.

Ушбу ҳужжатнинг яна бир аҳамиятли тарафи, Жиззах шаҳрининг экологик ва санитария-эпидемиологик ҳолатини бутунлай яхшилашга қаратилган ушбу мегалоиҳани амалга ошириш учун масъул идоралар номлари аниқ кўрсатилган, "Йул харитаси" белгилаб берилган. Ҳар бир бажариладиган ишнинг аниқ муддатлари тасдиқланган.

Хусусан, мазкур ҳужжатда оқова сув иншоотлари қуриб, топширилиши саналари кўрсатилган. Жумладан, уда энг сунғи объектнинг қурилиб, фойдаланишга топширилишининг яқуний муддати 2021 йил апрель ойи этиб белгиланган. Лекин муддатдан икки йилдан ортқ вақт ўтган бўлса-да, ҳамон "туя гўшти" еб ётибди. Жиззах шаҳрининг қарийб 70 фоизини қамраб оладиган, аҳоли турмуш фаровонлиги билан бевосита боғлиқ бўлган ушбу лойиҳа нега ақунига етказилмаётгани билан қизиқдик.

"Жиззах сув таъминот" МЧЖдан олинган маълумотда қайд этилишича, ушбу лойиҳа пудратчиларини аниқлаш юзасидан бешта лот бўйича ўтказилган тендер натижаларига кўра, "Akellik Group OJSC" (Озарбайжон), "Shindong Enercom Inc" ва "Techcross Water and Energy Inc" (Жанубий Корея) каби хорижий компаниялар ютиб чиққан.

— Ҳозирга қадар лойиҳада белгиланган ишларнинг қарийб 75 фоизи бажарилиб, — дейди "Жиззах сув таъминот" МЧЖ инвестиция бўлими мутахассиси Адхам Муҳиддинов. — Юқорида номлари келтирилган учта компания билан шартнома муддатлари уч марта узайтирилди. Масалан, биринчи марта 14 ойга кечикди. Шартнома билан узайтирилди. Кейингиси ўтган йили баҳорда 19,8 ойга, яъни 596 кунга, жами қарийб уч йилга узайтирилди. Жарималарсиз. Ваҳоланки, ҳар бир кечиктирилган кун учун хорижий компаниялар жарима тўлашлари керак эди.

— Иўқ, шу ердаги қурилиш корхоналаридан ижарага оламиз, — дейди у. Қайта-қайта шартнома шартларининг бажарилиши ёки кечиктирилиши ва бу хориж компаниялари мутасаддиларини заррача ҳам ўйлантирмаётгани, боз устига, ҳеч бир жарималарсиз шартнома муддатлари узайтириб берилаётгани қатор саволларни туғдириши табиий.

Бу ҳолат юзасидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилги ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги уч маротаба, хусусан, охириги ўтган йил июнь ойида "Ўзсувтаъминот" АЖга йўллаган хатида ушбу лойиҳа консалтанти томонидан тайёрланган ҳисоботларда бир хил ваҳар келтирилган сабабли лойиҳа консалтанти ҳулосаси мақсадга мувофиқ эмас, деб топилган. Агентликка кўра, пудратчиға етарлича муддат (502 кун) берилган ва ҳар бир кечиктирилган кун учун жарима қўлланилиши маълум қилинган.

Ушбу хатда айтилишича, пудрат шартномаларидаги бу каби (қарийб 3 йил) кечиктирилган ишларини назорат қилувчи консалтинг компанияларининг шартномаларига ҳам бевосита салбий таъсир қилиши, улар билан имзоланган шартномалар қийматининг ошиб кетишига олиб келиши кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли, пудратчиға қатъий чоралар қуриш ва келгусида бу каби пайдо бўладиган ортқча харажатлар пудратчиларга нисбатан кечиктирилган муддатлар учун қўлланилган жарималар ҳисобидан қопланиши талаб этилган.

Қолаверса, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилги шу йилнинг 24 февралда "Ўзсувтаъминот" АЖга йўллаган хатида ҳам пудратчиға ўтган йилнинг 17 февралдан бошлаб ҳар бир кечиккан кун учун жарима қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги айтилган. Бундан ташқари, лойиҳа консалтанти томонидан келтирилган ваҳарлар — 2021 йил 9 сентябрдан 2022 йил 17 февралгача ноқулай об-ҳаво шароити ва бошқа кўрсатилган техник сабаблар юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар вазирилк экспертлари томонидан ўрганиб чиқилган. Вазирилк-

Тўрт-бештача корейлик мутахассисларни инобатга олмаганда, асосан, ўзимизнинг "қора кўз"лар меҳнат қилади. Маошимиз ҳам унча юқори эмас, 2,5 миллион сўм оламиз. Уч маҳал овқат беришди. Шунисигаям шўқр қиламиз.

— Техниклар, экскаваторлар Жанубий Кореядан келтирилганими? — сўраймиз Бехруздан.

— Иўқ, шу ердаги қурилиш корхоналаридан ижарага оламиз, — дейди у. Қайта-қайта шартнома шартларининг бажарилиши ёки кечиктирилиши ва бу хориж компаниялари мутасаддиларини заррача ҳам ўйлантирмаётгани, боз устига, ҳеч бир жарималарсиз шартнома муддатлари узайтириб берилаётгани қатор саволларни туғдириши табиий.

Бу ҳолат юзасидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилги ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги уч маротаба, хусусан, охириги ўтган йил июнь ойида "Ўзсувтаъминот" АЖга йўллаган хатида ушбу лойиҳа консалтанти томонидан тайёрланган ҳисоботларда бир хил ваҳар келтирилган сабабли лойиҳа консалтанти ҳулосаси мақсадга мувофиқ эмас, деб топилган. Агентликка кўра, пудратчиға етарлича муддат (502 кун) берилган ва ҳар бир кечиктирилган кун учун жарима қўлланилиши маълум қилинган.

Ушбу хатда айтилишича, пудрат шартномаларидаги бу каби (қарийб 3 йил) кечиктирилган ишларини назорат қилувчи консалтинг компанияларининг шартномаларига ҳам бевосита салбий таъсир қилиши, улар билан имзоланган шартномалар қийматининг ошиб кетишига олиб келиши кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли, пудратчиға қатъий чоралар қуриш ва келгусида бу каби пайдо бўладиган ортқча харажатлар пудратчиларга нисбатан кечиктирилган муддатлар учун қўлланилган жарималар ҳисобидан қопланиши талаб этилган.

Қолаверса, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилги шу йилнинг 24 февралда "Ўзсувтаъминот" АЖга йўллаган хатида ҳам пудратчиға ўтган йилнинг 17 февралдан бошлаб ҳар бир кечиккан кун учун жарима қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги айтилган. Бундан ташқари, лойиҳа консалтанти томонидан келтирилган ваҳарлар — 2021 йил 9 сентябрдан 2022 йил 17 февралгача ноқулай об-ҳаво шароити ва бошқа кўрсатилган техник сабаблар юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар вазирилк экспертлари томонидан ўрганиб чиқилган. Вазирилк-



мунд ойдинлик киритишича, қайд этилган натижада оралиғида лойиҳа худудидан "аномал" совуқ кузатилмаган ёки сурункали ёғингарчилик юз бермаган.

— Ҳар бир шартноманинг узайтирилиши Осиё тараққиёт банки билан келишилган ҳолда амалга оширилди, — дейди лойиҳа консалтанти — "SU-Yari Engineering and Consulting Inc" вакили Лутфу Қайнар биз билан телефон орқали суҳбатда. — Фақатгина Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилги бир йил кечиктириб розилик бергандан сўнггина шартнома муддати узайтирилди. Лекин бунинг учун пудратчиларга жарима қўлланилмади. Шу билан бирга, бу узайтирилиш лойиҳа қийматига таъсир қилмапти.

Биз шартнома ижроси қарийб уч йилга кечиктирилиши нархларга таъсир қилмаслиғига изоҳ беришимни, яъни ўзи ишлаётган консалтинг компанияси қолган уч йилга текинга ишлаб беришимни, деб сўрадик.

— Иўқ, табиийки, биз текинга ишламаймиз. Биз билан тузилган шартнома нархлари ўзгаради, — дейди Лутфу Қайнар. — Лекин 16 ойдан буён маош олганим йўқ...

— Иўқ, табиийки, биз текинга ишламаймиз. Биз билан тузилган шартнома нархлари ўзгаради, — дейди Лутфу Қайнар. — Лекин 16 ойдан буён маош олганим йўқ...

— Ҳовлимиз оқова сув тармоғига уланмаган, — дейди "Тошкентлик" кўчасидаги 2-уйда яшовчи Неъмат Абдуллаев. — Ҳудудимизда тўртта кўп қаватли уй қурилгандан сўнг муаммолар бошланган. Кўп қаватли уйлар канализацияси марказий тармоққа уланган. Сал ёғин-

гарчилик бўлди дегунча, марказий канализация қувури қудуқлардан бутун ахлат талага тошиб чиқиб, кўчаларимизни тўлдирди. Ен-атроф қўланса хидга тўлиб кетди. Бундай пайтларда бу ерларда ашаш ҳақиқий азобга айланади.

Бинокор кўчасидаги 1-уйда яшовчи Ботир Аҳмеджоновнинг айтишича, ёғингарчилик мавсумида унинг уйида фавқулодда вазиятлар бошқармаси машиналари навбатчилик қилади. Марказий оқова сув тармоғидан тошиб чиққан сув унинг хонадонини қўлга айлантарақан.

— Домим шу ҳолат тақорланмаверганидан уйим захлаб, ўтган йили ағанаб кетди. Қайтадан уй қуришга мажбур бўлдик. Қўшилларимиз ҳам уйлариининг пойдеворини баланд, ҳовлисига сув кирмайдиган қилиб қайта қурапти. Лекин кўчамизга бурилишининг билан димоғингизга қўланса хид урилади. Шундай пайтда шаҳарнинг қоқ марказида яшаётганимга пушаймонлар бўлиб кетасан, — дейди у қўйиниб.

"Жиззах сув таъминот" МЧЖнинг бизга маълум қилишича, мазкур худуддаги канализация тармоғи юқоридаги лойиҳа киритилмаган. Демак, Жиззахнинг марказий кўчаларига ёндош худудлардаги муаммолар ўз ҳолича қолаверади.

Алоҳида қайд этиш керакки, юртимизда хорижлик инвесторларга, чет эллик тадбиркорларга қулай шароит яратилмоқда. Шу боис, улар юртимиз тадбиркорлари билан бемалол рақобатга киришмоқда. Ҳалол ва шаффоф ўтказилаётган тендерларда хориж компаниялари ҳам қатнашиб, улкан бунёдкорлик ишларида иштирок этмоқда. Бу эса қурилиш ишларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминляпти. Таассуфки, юқоридаги ҳолатда эса негадир бунинг акси бўлаётир...

Юнус БҮРОНОВ,
Фарҳод НЕЪМАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ неча жавотмирми?

Унинг олдини олиш ва муаммони бартараф қилиш мумкин



Нодира АЛИХОНОВА, **тиббиёт фанлари доктори**

Бошланғич 1-бетда

Бу модда танқислиги болалар ва ўсмирларда алоҳида белгилар билан кечади. Масалан, қалқонсимон без катталашуви, жисмоний, ақлий ва репродуктив ривожланиш бузилиши кузатилади. Урганиш ва хотира билан боғлиқ муаммолар, концентрация пасайиши, репродуктив саломатликдаги ўзгаришлар (бепуштлиқ, ҳомиладорлик, эрта туғилиш) учрайдилар. Балоғат етган қиз ва йигитларда ҳам йод танқислиги жисмоний ва ақлий фаолият пасайиши билан бирга келади. Шунингдек, балоғат ёшида йод танқислиги қалқонсимон безнинг турли даражада кенгайиши ва тузилиши бузилиши билан кечади. Тугун шаклланиши содир бўлади. Ҳар қандай ёшда йод етишмаслиги қалқонсимон без функцияси пасайишига олиб келади. Юз, қўл ва оёқ шишиши, вазн ошиши, соч тўкилиши ва ингичкалашиши, тирноқнинг мўрт ва синишга мойил бўлиши, тери қуруқлашиши

йод танқислиги ҳосиласидир. Боз устига, хотира, диққат ва интеллектуал қобилият пасаяди. Суствашиқ, воқеаларга салбий қараш пайдо бўлади.

Йод танқислиги бир неча хавфли оқибатларга олиб келади. Доимий ва узоқ муддатли йод танқислиги қалқонсимон безнинг диффуз ва тугунли бўққ каби касалликларни, ҳомила тушиши, перинатал ўлим, болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонлар, эндемик кретинизм каби касалликлар билан намойн бўлади.

Ўзбекистон йод танқис худудда жойлашган. Минтақамиз тупроғида

океанлардан узоқда жойлашгани ҳам яна бир муҳим омил. Бундан ташқари, Марказий Осиё худудида ҳаво ҳарорати жуда юқори бўлиши тупроқ таркибидаги йод моддаси буғланиб кетишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, йоднинг ўсимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари орқали одам организмига етарли миқдорда қабул қилинишини чеклайди. ЖССТ йод танқис худудларда яшовчи барча одамлар қўшимча йод қабул қилишни тавсия этади. Шу маънода, Ўзбекистонда ҳам оммавий профилактика олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Учта катта хавф гуруҳи бор. Шу уч

болалар жисмонан ва ақлан жадал ривожланади. Шу пайтда уларга йод моддаси жуда зарур. Бола меъёрида йод истеъмол қилмас, кейинчалик ҳатто ақлий заифликка дучор бўлиши мумкин.

Эмизикли аёллардан фарзанда жуда кўп микроэлемент ўтади. Ўша пайтда йод етишмаслиги чақалоқлар ривожланишига катта таъсир қилади. Йод микроэлементи эмизикли аёлларда она сутидан фарзандига ўтади. Шунинг учун чақалоқнинг дастлабки босқичда меъёрида ривожланиши учун аёлнинг ўзида ҳам йод миқдори етарли бўлиши керак.

Мамлакатимиз йод етишмовчилиги юқори худуд ҳисобланиши, тупроғимиз ва сувимизда етарли миқдорда йод йўқлиги учун ҳам хавф гуруҳига кирувчи аҳолини йод микроэлементи билан таъминлаш бўйича профилактик чоралар қўриши керак. Аввало, ош тузини йодлаш зарур. Кейинги профилактик тадбир йодни етарли даражада истеъмол қилиш билан бўлади.

Ҳар учта одамдан биттиси йод танқислигидан қайналади. Келгусида бу ҳолат камайиши мумкинми, деган савол туғилади. Республика иختисослаштирилган эндиринология илмий-амалий тиббиёт маркази ўтказган тадқиқотларга кўра, ҳозир болалар орасида йод танқислиги 53 фоизни ташкил қилади. Ваҳоланки, 2002 йилда ўтказилган тадқиқотларда йод танқислиги 78 фоиз эди. Утган йилларда олиб борилган профилактик чора-тадбирлар натижасида бу кўрсаткич қарийб 30 фоиз камайишига эришилди. Илгари йод профилактикаси баъзи худудларда ўтказилган бўлса, эришилган ижобий натижа мамлакатимиз бўйлаб ва саъй-ҳаракатларни оммалаштириш учун асос бўлди. Бу кейинчалик нафақат асослар, балки катталарда ҳам йод танқислиги камайишига олиб келади.



ва сувида йод кам. Бунга мутаносиб равишда озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ҳам бу муҳим микроэлемент етарли эмас. Шунинг учун тавсия этилган кундалик йод миқдорини озиқ-овқат орқали қабул қилиш имкони деярли йўқ. Мамлакатимиз йод манбаи ҳисобланган денгиз ва

гуруҳда жуда кўп асорат кузатилиши мумкин. Биринчи хавф гуруҳига болалар қиради. Иккинчиси ҳомиладор аёллар ҳамда учинчиси эмизикли оналардир. Болаларда йод етишмовчилиги қандай асоратларга олиб келиши юқорида айтилди. Айнан 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган паллада

АЧЧИК, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Олий таълим муассасасини имтиёзли тамомлаб, йўланма билан келган йигитнинг мағрур боқишидан хурсанд бўлганча “ариза ёзин”, дедим.
— Ариза намунаси борми? — деди у хотиржам. — Қараб ёзиш учун...
Бизда унақа намуна йўқлигини, аризани ҳар ким ўзича ёзгани маъқуллигини айтдим. Йигит бир оз ўйланиб тургач, аризани ташқарида ёзиб келишга рухсат сўради ва чиқиб кетди...



“Намуна борми?”

ЁХУД ФИКРЛАШ УЧУН БОШИМИЗ БОРЛИГИ ЭСИМИЗДАН ЧИҚИБ КЕТМАСИН

— Сизнинг ҳужжатларингизни кадрлар захирасига тайёрлаётган эдик, таржимаи ҳолингизни ёзиб берсангиз, — дедим бошқа бир тажрибали ходимга.
— Намуна борми? — сўради у.
— Йўқ, ўзингиз билганингизча ёзаверинг.
— Бирорта намуна бўлса яхши эди-да.
Яна бири хизмат сафаридан қайтганини айтиб кириб келди. Табиийки, сафар ҳисоботини сўрадим.
— Намуна борми? — сўради у ҳам бемалол...

қўяқолиш осонроқми? Лойиҳа тайёрлашга ҳам, диссертация ёзишга ҳам, оддий хабар юбориш... кечирасизу, таъзиянома билдиришга ҳам намуна излаб қолмаяпмизми? Фикрлаш тарзимиз ҳам андозаю қолигга тушиб, бошқачароқ фикрлаганлар кўзимизга галати, ҳатто хунуқроқ кўриниб қолмаяптими?

Нима масалада экани ҳозир ёдимда йўқ, анча йиллар илгари иш-хонамизда сўровнома ўтказилди. Жамланганларга сўровнома varaқлари тарқатилди. Кўпчилик саволларга жавоб беришда кимдандир сўрашга интилаётгани, иккиланаётгани кузатилди. Бир ёши каттароқ ходимимиз эса, ҳаммадан охирида қолиб, мендан жавобларини текшириб беришимни илтимос қилди. Аслида, жамоатчилик фикрини ўрганиш учун берилган бу оддий саволларга жавоб бераётган кишининг шахси кўрсатилмаётган эди. Шунда ҳам аксарият ходимлар ўйланиш, фикр билдиришдан кўра, кимнингдир жавобини кўриб ёки сўраб белгилаб қўйишни маъқул кўрганига ҳайрон бўлгандим.

Бир вақтлар ён дафтаримга “Нотаниш манзилларда саёҳатчиларни гидлар йўл бошлаб, таништириб боришади. Баъзилар бутун ҳаёти

давомида ҳам гидларга эҳтиёж сезиб яшайди”, деб ёзиб қўйган эканман. Ўша дафтаримдаги яна бир латифа-монанд гап ундан-да қизиқроқ ўхшайди:
— Бир кун дафъатан бошим оғриб қолди. Хурсанд бўлиб кетдим, — деди бир танишим. — Анчадан бери фақат бошқалар берган топшириқларни бажариш билан овора бўлиб, бошим борлиги эсимдан ҳам чиқиб кетган экан...

Ҳазиллашиб айтилган бу гапнинг тагидаги “зил”и кишини ўйлантиради: нафсиларини айтганда, жиддийроқ разм солсақ, атрофимизда “боши борлиги эсидан чиқиб кетган одамлар” оз эмаслигига гувоҳ бўламиз.
Эҳтимол, бу ҳолат яқин ўтмишдаги “фикрсизлиқ” ёки “ҳамма учун бир киши фикрлайдиган” даврларнинг асоратидир. Аммо энди вазият ҳам, жамият ҳам ўзгарди-ку! Дунёга юз тутаятган янги Ўзбекистонда фикрлаб, изланиб, интилиб яшаётганларнинг ошиги олчи, дастурхони тўкин, ҳаёти фаровон бўлаётгани барчанing кўз олдидаги оддий ҳақиқатга айланди.

Ярим асрга яқин қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртида талабаларга сабоқ бериб келаётган устоз сифатида ёшларга, шогирдларимга бир нарсани кўп тақорлайман: мамлакатимиз

мустақилликка эришган даврда аҳолимиз йигирма миллионга ҳам етмас эди. Утган давр мобайнида бу кўрсаткич қарийб икки баробар ошди. Ер майдони, сув ресурслари кўпаймаслигини ҳисобга олсак, энди аҳолининг қорнини тўқ, этгини бут қилишнинг ягона йўли sanoат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга илмий асосланган фан ва техника янгиликларини жорий этишдан иборат. Илм билан нимагадир эришиш учун эса ўқиш, изланиш, фикрлаш, ҳулоса чиқариш, янгиликни амалиётга жорий этиш лозим бўлади. Образлироқ қилиб айтганда, энди бизни кетмонимиз эмас, ақлимиз, фикримиз боқайди. Юртдошларимиз орасида кафтдеккина томорқасидан ақл ва ҳалол меҳнат билан яхши даромад олиб, фаровонликка эришаётганлар ҳам, аксинча, бу ҳақда бош қотиришга, фикрлашга эришиб, ҳаётдан нолиб яшаётганлар ҳам борлиги шундан — фикрлаш ва фикрсизлиқдир.

Эртаги олий ўқув юрти битирувчилари билан учрашувга бораман. Уларга туманимиз, йўналишимиз, режаларимиз ҳақида ҳикоя қилиб бераман ва бизга МУСТАҚИЛ ФИКР БИЛАН ИШЛАЙДИГАН етук ёш мутахассислар кераклигини айтаман.

Ҳабиб СИДДИҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
юшмаси аъзоси,
“Шухрат” медали соҳиб

BUGUNNING GAPI



Алижон ЯХШИЕВ, Рақамли технологиялар вазирлиги Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи

Бошланғич 1-бетда

IT компаниялар учун истиқболли лойиҳаларни илмий ва таълим ташкилотлари билан интеграциялашган ҳолда ишга тушириш ва бозорга чиқаришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Бухоро шаҳар ҳокимлиги томонидан IT парк биносини қуриш учун “Bukhara city” замонавий ишбилармонлик ва турар жойлар маркази худудидан 14 415 квадрат метр ер ажратилган.

Тўққиз қаватли IT парк биноси таркибида мажлислар зали, киберспорт хонаси, коворкинг маркази, ўқув аудиториялари, IT академия, IT hotel ҳамда резидентлар учун офислар ташкил этилиши белгиланган. Ҳозирда кенг қўламли қурилиш ишлари давом этмоқда, бинони 2024 йилнинг декабрь ойида тўлиқ фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Президентимизнинг 2021 йил 21-22 январь кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида ва Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берилган топшириқлар бўйича Бухоро шаҳри марказидан дастурчилар учун жой ажратилган эди. Бугунги кунда “Бухоро-агрокластер” МЧЖ томонидан жами 950 квадрат метрдан иборат 9 та хона жорий таъмирланди ҳамда замонавий мебель ва компьютер жиҳозлари билан таъминланиб, ишга туширилди. Бинода Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопаркиннг Бухоро филиали фаолият юритмоқда.

Вилоятда IT парк резидентлари сони утган йили 18 та, уларда ишлайдиган ходимлар сони 60 нафар эди. Ахборот технологиялари соҳасини янада ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароит туфайли бугунги кунгача резидентлар 40 тага, ходимлар сони эса 382 нафарга етди.

2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида резидент компаниялар томонидан 2 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилиб, экспорт амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида резидентлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 8 миллиард 807 миллион сўмга етиб, экспорт ҳажми 378,4 минг АҚШ долларини ташкил этди. Энг муҳими, йил якунига қадар хизматлар ҳажминин 40 миллиард сўмга, экспорт ҳажминин 3 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Беш муҳим ташаббус, жумладан, учинчи ташаббус доирасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида IT паркнинг жами 12 та рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилди. 2021 йилдан бугунги кунга қадар мазкур марказларда 8 700 нафардан ортиқ ёш таълим олди. Қувонарлиси, уларнинг 133 нафари бепул ўқитилди.

Ўқув марказларида веб дастурлаш — python, HTML, PHP, компьютер саводхонлиги, IT English, робототехника, мобиль иловалар яратиш — java script, график дизайн — photoShop, corel draw курслари очилган. “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг мантиқий давоми ҳисобланган онлайн платформада ташкил қилинган Coursega ўқув курсларига ҳозирда 1241 нафар ёш қатнашмоқда.

Ёшлар ва давлат органлари ходимларини IT таълим курсларида ўқитиш бўйича вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан, шаҳар ва туманларда очилган рақамли технологиялар ўқув марказлари ҳамда IT паркнинг таълим резидентлари томонидан ўқитиш ишлари бошланган. Жорий йил якунига қадар 4000 нафар ёш ва давлат органлари ходимини ўқитиш режалаштирилган.

Бухоро азалдан илм-фан маркази бўлгани, бугун ҳам билимни, интилувчан ёшлар кўп, шу боис, Бухоронинг IT соҳаси бўйича брендини яратиш бора-бора ахборот технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ёшларнинг юқори маошли касб эгаси бўлишини таъминлаш мақсадида ахборот технологиялари ва дастурлаш йўналишлари бўйича 18 минг нафарга яқин аҳоли ўқитилди. Бу эса вилоятда ўзини ўзи банд қилганлар сони 1 564 тадан 2 483 тага ошишига олиб келди.



Президентимизнинг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 6 июлдаги “Бухоро вилоятининг Қорақўл IT кластер фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида”ги қарорлари билан Қорақўл туманида рақамли технологияларга иختисослаштирилган, замонавий талабларга жавоб берадиган ахборот технологиялари соҳасида таълимдан ишлаб чиқаришга бўлган яхлит занжир яратишни кўзда тутувчи IT кластер фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган.

Лойиҳа доирасида Қорақўл туманида Ҳиндистоннинг Ачара университети ташкил этилиб, IT кластер фаолиятини йўлга қўйилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рақамлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг янги талқинда расмий веб-сайтлари ва мобиль иловалари ишга туширилди. Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат органлари учун age.buxoro.uz портали синов тарихида ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирги кунда мазкур лойиҳаларни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилаётган.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг IT инфратузилмасини ривожлантириш ва киберхавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилди, компьютер парклари ва сервер хоналарида техник тадбирлар ташкил этилди.

Бухоронинг 600 та корхона ва ташкилоти edo.jfo.uz идоралараро электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланади. Жорий йил якунига қадар тизимга уланадиган корхона ва ташкилотлар сони 1700 тага етказилди.

Вилоятдаги жами 1455 та аҳоли масканини оптик толали алоқа линияси билан қамраб олиш даражаси ҳозирда 92 фоиз бўлиб, уни йил якунига қадар 96 фоизга етказиш режалаштирилган.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш билан бир қаторда вилоятда 1929 та ижтимоий соҳа объекти, жумладан, 559 та халқ таълими, 475 та мактабгача таълими, 351 та тиббиёт муассасаси ҳамда 544 та МФЙ биносидан оптик толали алоқа линиялари орқали замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Бухоро туризм ривожланган вилоят эканини инobatта олиб, сайёҳларга қўлайлик яратиш мақсадида барча — 358 та меҳмонхонада юқори тезликдаги интернет хизматлари жорий этилди. Вилоятда мобиль алоқа қамровини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 153 та янги база станцияси ўрнатилди ва 89 та мавжуд база станцияси модернизация қилинди. Натижада аҳоли масканлари мобиль алоқа билан 99 фоиз, кенг полосоли мобиль интернет хизмати билан 95 фоиз, рақамли телевидение сигналлари билан 100 фоиз қамраб олинган.

Кўпчиликка аёнки, ҳозирги даврда замонавий билимларни эгалламай туриб, мақсадга эришиб бўлмади. Бу борада ахборот технологияларини дастурлаш ҳамда IT соҳаси бўйича чуқур билимга эга бўлиш, янги лойиҳа ва ишланмалар устида ишлаш уларни юрт фаровонлиги йўлида ва мамлакат ривожланишига татбиқ этиш жуда муҳим.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин

Чўл муаллими

ёхуд ҳозиргача дарс бераётган 98 ёшли ўқитувчининг умр дафтаридан битиклар



66 ТЎҚҚИЗ ОЙ ҚАМОҚДА ЁТГАН АБДУНАЗАР НИҲОЯТ ОҚЛАНИБ, ОЗОДЛИККА ЧИҚДИ. ОТА-ОНАСИНИ, ОИЛАСИНИНГ БИР АҲВОЛДА ЯШАЁТГАНИНИ КЎРИБ, УЛАРНИ ЯНА ОЛДИНГИ ЖОЙГА КЎЧИРИБ ТУШИРДИ. ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ БИЛАН ГАПЛАШИБ, ИШГА КИРДИ. БУ ОРАДА УЛАРГА СУРХОНДАРЁДА ҚОЛГАН ҚАРИНДОШЛАРИДАН ДЕНОВГА КЕЛИШИНИ, БУ ЕРДА КОЛХОЗ ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАНИ, ИШ БОРЛИГИ ҲАҚИДА ХАБАР КЕЛДИ. БУНДАН МАМНУН БЎЛГАН БЕГИМКҮЛ ОТА ДЕНОВГА КЎЧИБ ЎТДИ.

Эгамшукур ота бутун 98 ёш остонасида. Салкам бир асрлик умрининг етмиш йилини ўқитувчилик касбига сарфлаган. Ҳали-ҳамон мактабда дарс беради. Турмушнинг оғир қарвонидан қолган оғриқларни ўқувчилар билан овуниб, бир дам бўлса-да, унутди. Шинам, ёруғ синфхоналарга кириб, кўнгли ёришади. Дили яйраб, ёшлардек дарс ўтишга киришганига ҳавас қиласиз.

Гоҳида шоғирдлари дангасалик қиладиган бўлса, кўлидаги ҳассаси билан пўписа қилиб, ҳушёрликка ундайди. Навқирон ёшларнинг мавзу юзасидан берган ҳар бир саволига жавоб беради, эринмайди. Баъзида ўқувчиларнинг у кишидан болалиги қандай ўтгани ҳақида сўраб қолиши, отанинг юрак тубидаги яраларни тирнаб юборади. Кўзига ёш келиб, ўша машъум қаро кўнларни хотирлашни хошламайди. Лекин на илж, балки бу ҳам болаларга бир сабоқ бўлар, дея оғир хўрсиниб, сўз бошлайди.

Тинчлик истаб

...1924-1925 йиллар. Ўша пайтда кўпчиликка керак бўлган тинчлик охири Беғимкул бойга ҳам керак бўлиб қолди. Қанча мол-мулк, чорваси биргина тинчлик деган неъматни кўлга киритишга арзимади. Ақсинча, шўролар тузуми бой борми, бирор саводли киши борми, барчасига раҳна сола бошлади. Ўз кўнини кўриб юрган халқнинг ороми бузилди. Хавотирли дамлар бошлангач, Беғимкул бой ҳам ўз тугилган жойи — Косон туманидан кўч-кўронини туваларга ортиб, чорвасини олдиға солиб, оиласи билан осойишталик истаб йўлга чиқди. Бир муддат Деҳқонobodда яшади. Бу ерда ҳам турли гап-сўзлар кўпаявергач, Денов томон йўлга тушди. Сурхон ҳудудида ҳам рўшнолик топмай, Тожикистон томон қаровон тортди.

Айрим нокасларнинг тухматига учраб, Абдуназар турмага жўнатилди. Рўзгорнинг қорига яраб турган ризқ ҳам узилди. Очликдан хароб бўлишни истамаган, “бой” деган номигагина қолган Беғимкул жандасини кўтариб, оиласи билан тоққа чиқиб кетди. Ўша ерда чайла туриб, тошлар орасида листа териб, кун кеңирди. Тўққиз ой қамоқда ётган Абдуназар ниҳоят оқланиб, озодликка чиқди. Ота-онасини, оиласининг бир аҳволда яшаётганини кўриб, улари яна олдинги жойга кўчириб туширди. Хўжалик раҳбари билан гаплашиб, ишга кирди. Бу орада уларга Сурхондарёда қолган қариндошларидан Деновга келишини, бу ерда колхоз ташкил этилаётгани, иш борлиги ҳақида хабар келди. Бундан мамнун бўлган Беғимкул ота Деновга кўчиб ўтди.

...1933-1934 йиллар. Абдуназар бригадирлигида Қашқадарёдан кўчиб борган бир ғуруҳ аҳолига Деновнинг чўл ҳудудидаги тўқайзорни ўзлаштириб, ер очиш топшириғи берилган. Кўлга кетмон олиб одамлар ишга киришди. Ўша пайтда 8 ёшли Эгамшукур эски кўрғонда ташкил этилган мактабга қатнаш бошлаган. Зах ва қоронгу хонада, ерга пўстақ тўшаб ҳарф ўрганишни бошлаган



усту юпун, қорни оч болаларнинг қулоғига рус муаллимининг сўзлари кирмас, бир кун борган ўқувчи қайтиб бормасликка ҳаракат қиларди. Уч-тўрт йил деганда, аранг ҳарфини бир-бирига қўшиб ўқишни ўрганган Эгамшукур ўн тўрт ёшга етганида Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, халқнинг кўни яна оғирлашди. Қаҳатчилик бошланди. Урушдан жабр кўрмаган инсон қолмади. Мактабдан ёпилиб, болалар ҳам ёппасига фронт ортига жалб этилди.

Ўсмир Эгамшукур ҳам кўпчилик қатори колхоз ишларига ёрдам бера бошлади. Одамларнинг очарчиликдан силласи қуриган, майитни қабрга қўйишга эркак зоти топилмасди. Эгамшукурнинг аллқомат амакилари, акалари шу кетганича урушдан қайтмади. Колхоз идораси томига осилган қарнай фронтдаги воқеалардан тинмай ахборот бериб боради. Ишчилар ҳар бир воқеани диққат билан эшитар, қонли жангларнинг тезроқ тугашидан умид қилиб, кун санарди...

1945 йил. Уруш якунланган бўлса-да, асорати кетмаган эди. 1950-йилларга бориб ахвол бир оз ўнгангандек бўлди. Уқиш истаги тарқ этмаган Эгамшукур мактабда сабоқ чиқариш учун Косон туманига йўл олди. Онаси билан тоғасиникига жойлашиб, 8-синфга қабул қилинди. Саводи ўзига яраша бўлган болакай дарсларда ўқитувчи мавзунини сўраб қолишидан довдираб утирар, айниқса, каттиққўл математика ўқитувчисининг вақоҳати барчасидан ўтиб тушарди. Икки йилдан сўнг мактабни тамомлаб, Деновга қайтиб борди.

Эгамшукур Абдиев 10-синфни тамомлаб келганини эшитган ўша вақтдаги Денов туман халқ таълими бўлимидагилар уни ишга тақлиф қилишди ва колхозга — бошланғич синф ўқитувчилигига жўнатишди. Бундан ғурурланган ёш йигитча шаҳд билан йўлга тушади. Бу пайтда у оила қуриб, рўзгор ташвиши ҳам зиммасида эди.

Ёш муаллимни ҳаминқадар тайёрланган таълим масканида яхши кутиб олиб,

Йўқ мактабга директор этиб тайинланган

1960 йиллар. Шеробод чўллариини ўзлаштириш бошланди. Кўп йиллар бригадир бўлиб ишлаган Абдуназар ота ҳам эл қатори шу томонга шошилди. Катта машинада юкларини ортиб, оиласи билан янги очилаётган ҳудудга кўчиб келди.

Янги колхоз раҳбари ўқитувчи қидирётганидан хабар топан Абдуназар ота ўгли ўқитувчи экани, бироқ бошқа бир мактабда ишлаётганини билдирди. Колхоз раиси, туман халқ таълими бўлими мудири оқсоқолдан ўглини шу ерга кўчириб келишини илтимос қилиб сўрайди. Кўпчиликнинг юзидан ўтолмаган отахон ўглини олиб келиш учун машина жўнатди. Ота сўзини икки қилишни одат қилмаган Эгамшукур ноилож йўлга тушди. Чўлга келиб, ҳайратда қолди: уй йўқ, ҳамма ертўлада ашаркан. Шамол кўз очиргани кўймайди. Ичимлик сув топилмас жой. Отасидан мақсадини эшитиб, мудирга учрашгани марказга йўл олди.

Ўқув йилини якунлаб олишига ҳам рози бўлмаган мудири Эгамшукурни олиб, янги колхоз томон етаклади. Яйдоқ чўлга келиб, шу бугундан бошлаб яратилиб, уйлар қурилган. Аммо янги хўжалиқда мактаб фаолиятини йўлга қўйишнинг ўзи бўлмади. Колхознинг эски биноси ўқувчиларнинг таълим олиши учун ажратилди. Афсуски, бошқа жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам устозлар етишмасди. Аҳоли Эгамшукур муаллимга директорлик қилишини илтимос қилди. У киши пенсияда экани, қолаверса, бу ишни эпломаслигини айтиб, рад жаовобини берди. Шундай бўлса-да, одамлар уни математикадан дарс беришга кўндирди.

“Чўл муаллими” номини олган устоз кўпнинг сўзини қайтара олмай яна таълим дароҳиға йўл олди. Ёши олтимишдан ошганда гайрат қилиб ишга киришди. Янги манзилнинг мактаби ҳам бошқаларникидан қилишмас, хоналар кичик, парталар етишмасди. Доскалар кўнда ясалган, жиҳозлар синик эди. Чўлқувлар ҳаракати билан бу ерлар ҳам ўзлаштирилиб, далаларга пахта экилди. Аста-секин шароитлар ҳам яхшиланиб борди. Хўжалик аҳолисининг асосий қисми Сурхондарёдан кўчиб келгани боис, “Сурхон” маҳалласи, дея ном берилди.

Шу дамларда нафақат директорга, балки аҳолига ҳам осон бўлмади. Саҳродан ер очиш азоби, сув олиб келиш машаққати кўпчиликнинг мадорини қуритса-да, чидади. Шароит бўлмагани боис, одамлар орасида турли касалликлар кўпайди. Тиббий хизмат йўқлигидан дардга даво топшининг мушкулоти барчасидан ўтиб тушди. Орадан бир йил ўтиб, аҳоли яшаши учун уйлар қурилиб, кичикроқ бўлса-да, мактаб барпо этилди. Эгамшукур домла ўзи бош бўлиб, беш километр масофага арик қазиб, мактаб олдиға сув келтирди. Деновдан тоқ кўчатини келтириб, ҳовлиға экишди. Кенг

саҳрода ниҳолнинг кўкариб турганини кўрган кўз қувнайдиған бўлди. Бу машаққатларни енгиб ўтишнинг ўзи бўлмади. Бу орада у тўнғич фарзандидан жудо бўлди. Дардини ичига ютишга-да бардоши етмай гоҳида далага чиқиб йиғлаб, ичини бўшатиб келарди. Бу орада колхоз шаклланиб, далаларга пахта экилиб, ерлар деярли ўзлаштириб бўлинди ҳам...

20 йил директорлик вазифасини бажарган Эгамшукур Абдиев 1985 йилда пенсияга чиқди. У пайтларда кўпгина ҳўр-шошларни Қашқадарёда ҳам янги хўжалиқлар ташкил этилаётгани боис, Косон туманига кўчиб кета бошлаган. Ота юртининг соғинчи ўртаб, у ҳам кўпчилик қатори оиласини олиб Косондаги 52-сонли совхозга жойлашди.

Чўл муаллими яна мактабга қайтди

Янги манзил ҳам олдингиларидан қилишмасди. Кенгликлардан иборат сақсовулзор. Ҳали бу ерларни ўзлаштириб, пахта кўкартириб олиш учун қанча пешона тери тўкиш лозим эди. Ҳар тўғул, бу ерларда аҳолининг яшаши учун шароит яратилиб, уйлар қурилган. Аммо янги хўжалиқда мактаб фаолиятини йўлга қўйишнинг ўзи бўлмади. Колхознинг эски биноси ўқувчиларнинг таълим олиши учун ажратилди. Афсуски, бошқа жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам устозлар етишмасди. Аҳоли Эгамшукур муаллимга директорлик қилишини илтимос қилди. У киши пенсияда экани, қолаверса, бу ишни эпломаслигини айтиб, рад жаовобини берди. Шундай бўлса-да, одамлар уни математикадан дарс беришга кўндирди.

“Чўл муаллими” номини олган устоз кўпнинг сўзини қайтара олмай яна таълим дароҳиға йўл олди. Ёши олтимишдан ошганда гайрат қилиб ишга киришди. Янги манзилнинг мактаби ҳам бошқаларникидан қилишмас, хоналар кичик, парталар етишмасди. Доскалар кўнда ясалган, жиҳозлар синик эди. Чўлқувлар ҳаракати билан бу ерлар ҳам ўзлаштирилиб, далаларга пахта экилди. Аста-секин шароитлар ҳам яхшиланиб борди. Хўжалик аҳолисининг асосий қисми Сурхондарёдан кўчиб келгани боис, “Сурхон” маҳалласи, дея ном берилди.

Кекса қалбни ёшартирган хабар

Инсон умрига вақт ўз таъсирини ўтказида. Эгамшукур ота ҳам кексайиб, бир оз толиқадиган бўлиб қолди. Энди муаллимликни ҳам йиғштираман, деб аҳд қилиб юрган келлари. Ишга қўли бормасдан, эртага янги ўқув йили очиладиган кун билан дароҳи томон бораркан, ўқитувчилар уни ўзгача тарзда, мамнун қиёфада кутиб олишди. — Устоз, янгиликдан хабар топдингизми? — Устоз, янгиликдан хабар топдингизми?

66 ОТА СЎЗИНИ ИККИ ҚИЛИШНИ ОДАТ ҚИЛМАГАН ЭГАМШУКУР НОИЛОЖ ЙЎЛГА ТУШДИ. ЧЎЛГА КЕЛИБ, ҲАЙРАТДА ҚОЛДИ: УЙ ЙЎҚ, ҲАММА ЕРТЎЛАДА ЯШАРКАН. ШАМОЛ КЎЗ ОЧИРГАНИ КЎЙМАЙДИ. ИЧИМЛИК СУВ ТОПИЛМАС ЖОЙ. ОТАСИДАН МАҚСАДИНИ ЭШИТИБ, МУДИРГА УЧРАШГАНИ МАРКАЗГА ЙЎЛ ОЛДИ.



— Йўқ, нима гап? Тинчликми? — Тинчлик бўлганда қандоқ, юртимиз мустақиллиги эълон қилинди! Ҳамма жойда шу гап.

Кувончдан кўзлари порлаб гапиратган ўқитувчилар ҳаяжонда сўзларди. Аммо кекса устоз кўзларига ёш қўйилиб, оёқлари ўзига бўйсунмай қолди. Бундан ажабланган ёшгина ўқитувчи стул олиб келиб ўтказди.

— Устоз, нима бўлди сизга? Бундан хурсанд эмасмисиз? Ахир хушxabар-ку! — Эй, болам, — чўқур хўрсинганча, йиғидан ўзини тўхта олимай гапирарди ота. — Бу хушxabарни эшитиш орзусида қанчалар одам ўлиб кетди. Мен ҳам шу кўнларни кўрмай ўлиб кетаманми, дея армонда эдим. Яратганга шўқ, мана ўзи етказди... Кўксим тўла дард эди-да. Бобомнинг ўлиби бой бўлгани учун қанча саргардонликларни бошдан кечирмадик дейсиз. Эҳ-хе, қанчаси ўзга тупроқларда қолди кетди. Уларни санаб сановига етиб бўлмайди. Бу кўз ёшлар — кувонч ёшлари, хурсандчиликдан, болам.

Юртада истиқлол насими эса бошлагани сабаб ота қайта ёшарди. Мактабни тарқ этиш фикридан қайтиб, белни маҳкам боғлаб ишга киришди. Жавонга тахлаб қўйган дарсликларни олиб, астойдил машғулотлар ўта бошлади. Ёшларга ўр-нак бўлиб, эрта тонгдан билим масканига боради, барчадан кейин қайтадиган бўлди. Отадан бу ўзгаришларни кўрган жамоа, қишлоқ аҳли бунинг сирини билолмай лол эди. Ахир ўзгалар бу кекса қалб эгаси қанчалар қора кўнларнинг гувоҳи бўлиб, ёруғ кўнлар келишини умид қилиб кутиб ашаганини кўрдими билсини?!

Бугун Эгамшукур ота Абдиев 98 ёшда. Лекин ҳамон ўз қишлоғидаги 24-мактабда математикадан дарс бериб кел-моқда. Гоҳида фарзандлари энди ўқит-увчилик қилмаслиқни тавсия қиладиган бўлса, балого қолади. Саққиз фарзанд, қанча набира, эвара-чевараларнинг се-вилми бобожонини. Қўлида ҳассса билан синфга кириб боради. Аммо қизик томо-ни, дарс бошланиши билан ота ёш йи-гитлардек, ҳассасини ҳам унутиб, маш-улотта ўзининг кетади.

— Мактабга келсам, куч-қувват ола-ман, — дейди Эгамшукур ота. — Шун-дай чиройли замонда, шинам, ҳеч бир камчилиги йўқ масканда ишлашнинг ўзи бахт-ку. Ҳар кун янгиликларни кузатиб бораман. Яратганга шўқ. Кўндан-кўн юртимиз обод, фаровон бўлиб борапти. Президентимиз ҳар соҳага жиддий эътибор қаратмоқда. Айниқса, Янги Ўз-бекистон мактаб остонасидан бошлана-ди, деган гап менга жуда маъқул келди. Кўз тегмасин, таълим масканларига қа-раб кўз қувнайди. Гоҳида ҳолиб утирган ёш муаллимларни кўрсам, ҳасссам билан елкасига бир туширигим келади. Уларга кўн билан дароҳи томон бораркан, ўқит-увчилар уни ўзгача тарзда, мамнун қиёфада кутиб олишди.

— Устоз, янгиликдан хабар топдингизми?

— Устоз, янгиликдан хабар топдингизми?

— Устоз, янгиликдан хабар топдингизми?

— Устоз, янгиликдан хабар топдингизми?

— Устоз, янгиликдан хабар топдингизми?

— Устоз, янгиликдан хабар топдингизми?

— Устоз, янгиликдан хабар топдингизми?

— Устоз, янгиликдан хабар топдингизми?

— Устоз, янгиликдан хабар топдингизми?

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Ақбар ҒОЗИЕВ, журналист